

5-27-2019

# STRATEGIC DUTIES OF MODERN EDUCATION AND EDUCATION OF YOUTH IN THE PRESIDENT'S APPEAL

Nazirov Mukhtor  
m.nazirov@mail.ru

Follow this and additional works at: [https://uzjournals.edu.uz/or\\_stud](https://uzjournals.edu.uz/or_stud)

 Part of the [Political Science Commons](#)

---

### Recommended Citation

Mukhtor, Nazirov (2019) "STRATEGIC DUTIES OF MODERN EDUCATION AND EDUCATION OF YOUTH IN THE PRESIDENT'S APPEAL," *Oriental studies*: Vol. 1 : Iss. 2 , Article 10.  
Available at: [https://uzjournals.edu.uz/or\\_stud/vol1/iss2/10](https://uzjournals.edu.uz/or_stud/vol1/iss2/10)

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Oriental studies by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact [brownman91@mail.ru](mailto:brownman91@mail.ru).



## ПРЕЗИДЕНТ МУРОЖААТНОМАСИДА ЁШЛАРГА ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ БЕРИШ ВА УЛАРНИ КАМОЛ ТОПТИРИШНИНГ СТРАТЕГИК ВАЗИФАЛАРИ

**НАЗИРОВ МУХТОР**

Ўқитувчи, ТДШИ

**Аннотация.** Мазкур мақолада Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга 2018 йилдаги Мурожаатномасида илгари сурилган таклиф ва ташаббуслар, концептуал гоялар асосида ижтимоий ривожланишнинг ҳозирги давридаги устувор йўналишлари таҳлил қилинган.

2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси юртимиз аҳолисининг ҳаётий эҳтиёжларини ва қонуний манфаатларини таъминлаш ҳамда муносиб бўлган фаровон ҳаёт асосларини мустаҳкамлаш учун стратегик заминларни такомиллаштиришга хизмат қилаётгани қайд этилади.

Шу муносабат билан мақолада Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан Олий Мажлисга 2018 йил 28 декабрда тақдим этилган Мурожаатномада 2019 йилга “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили” деб ном берилгани мамлакатимизда “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари”, “Фаол тадбиркорлик, инновацион гоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш” йилларининг мантқиқий давоми бўлгани таъкидланади. Бу эса, ислохотлар стратегиясининг учинчи босқичида ижтимоий ривожланиш соҳаси давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида аҳамияти янада ортиб бораётганидан далолатдир. Муаллиф фикрича, инвестициялар жалб этиш ҳисобига мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятининг юксалаши ўз-ўзидан ижтимоий соҳалар ривожланишига туртки беради.

Мақолада ижтимоий соҳани ривожлантириш масаласига асосий эътибор қаратилган. Муаллиф томонидан “ижтимоий ривожланиш” тушунчасининг моҳияти очиб берилган. “Ижтимоий ривожланиш” жамиятда янги ижтимоий муносабатлар, институтлар, меъёрлар ва қадриятлар юзага келишига олиб келувчи ўзгаришлар деб қайд этилган. Шу жиҳатдан ижтимоий ривожланишнинг ўзига хос белгилари, мезонлари кўрсатиб берилган.

Мақолада Президент Мурожаатномасида белгилаб берилган ижтимоий соҳани янада ривожлантиришнинг 2019 йилдаги асосий вазифаларига изоҳ берилган. Жумладан, илм-фан, замонавий ва узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, ёшларни давлат томонидан ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш, миллий ғояни ривожлантириш масалаларига доир илгари сурилган ташаббуслар ва концептуал гояларга шарҳ берилган.

Мақолада “инсон капиталига сармоя” тушунчаси кенг ёритилган. Мақолада қайд этилишича, инсон капиталига ажратиладиган сармояларга соғлиқни сақлаш, умумий ва махсус таълим олишига кетадиган харажатлар, иш билан таъминлаш, касбий тайёргарлик, болаларни вояга етказиш ва бошқалар билан боғлиқ сарф-харажатлар киради. Бундай сармояларнинг самараси ҳар жабҳада жамият тараққиётининг суръатларида акс этади.

Мақолада мамлакатимиз ижтимоий ривожланишида ёшларга замонавий таълим-тарбия бериш ва уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш масаласи нақадар долзарб аҳамиятга эгаллиги кўрсатиб берилган. Мамлакатимизда таълим-тарбия соҳасининг бевосита инсон камолотига янада хизмат қилишини таъминлаш йўлида қўйилган муҳим амалий қадамлар таҳлил қилинган.

**Таянч сўз ва иборалар:** ижтимоий ривожланиш, мурожаатнома, замонавий таълим, ёшларга оид давлат сиёсати, инновацион тафаккур, миллий гояга содиқлик, инсон капиталига сармоя, кучли ижтимоий ҳимоя.

**Аннотация.** В данной статье проанализированы приоритетные направления социального развития на современном этапе на основе предложений, инициатив и концептуальных идей, выдвинутых в Послании Президента Республики Узбекистан Олий Мажлису в 2018 году.



В статье отмечается, что Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017–2021 годах способствует совершенствованию стратегических основ для обеспечения жизненных потребностей и законных интересов населения страны и укрепления основ достойной и комфортной жизни.

В связи с этим, как отмечается в статье, Послание Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева Олий Мажлису, адресованное 28 декабря 2018 года, и то, что 2019 год был провозглашен «Годом активных инвестиций и социального развития» стал логическим продолжением годов «Диалога с народом и интересов человека», «Поддержки активного предпринимательства, инновационных идей и технологий» в стране.

Это свидетельствует о том, что на третьем этапе стратегии реформ значение общественного развития как приоритета государственной политики возрастает. По мнению автора, повышение экономического потенциала страны за счет привлечения инвестиций неизбежно приведет к развитию социальных сфер.

В статье основное внимание уделяется вопросу развития социальной сферы. Автором раскрывается сущность понятия «социальное развитие». Как отмечается, «социальное развитие» – это изменение, способствующие появлению новых социальных отношений, институтов, норм и ценностей в обществе. В этой связи показаны особенности и критерии социального развития.

В статье излагаются основные задачи дальнейшего развития социальной сферы в 2019 году, определенные в президентском Послании. В частности, были даны комментарии инициативам и концептуальным идеям по дальнейшему совершенствованию науки, современному и непрерывному образованию, дальнейшему усилению государственной социальной поддержки молодежи, развитию национальной идеи.

В статье широко описывается понятие «инвестиции в человеческий капитал». Отмечается, что инвестиции в человеческий капитал включают расходы на здравоохранение, общее и специальное образование, занятость, профессиональную подготовку, воспитание детей и другие. Эффективность таких инвестиций отражается на темпах развития общества во всех сферах.

В статье показано насколько вопросы современного образования и воспитания молодежи и её социальной поддержки важны для социального развития страны. Были проанализированы важные практические шаги, предпринятые на пути обеспечения того, чтобы сфера образования и воспитания непосредственно служила дальнейшему человеческому совершенствованию.

**Опорные слова и выражения:** социальное развитие, послание, современное образование, государственная молодежная политика, инновационное мышление, приверженность национальной идее, инвестиции в человеческий капитал, сильная социальная защита.

**Abstract.** This article analyzes the priority directions of social development at the present stage based on proposals, initiatives and conceptual ideas put forward in the Address of the President of the Republic of Uzbekistan to the Oliy Majlis in 2018.

As noted in the article, the Strategy of Action on the five priority directions of development of the Republic of Uzbekistan in 2017–2021 contributes to the improvement of the strategic framework to ensure the vital needs and legitimate interests of the population and strengthen the foundations of a decent and comfortable life.

In this regard, as noted in the article, the Address of the President of the Republic of Uzbekistan Shavkat Mirziyoyev to Oliy Majlis on December 28, 2018, and the fact that 2019 was proclaimed the “Year of Active Investments and Social Development” became the logical continuation of the years of “Dialogue with the people and human interests”, “Support for active entrepreneurship, innovative ideas and technologies” in the country.

It indicates that in the third stage of the reform strategy, the importance of social development as a priority of state policy increases. According to the author, increasing the economic potential of the country by attracting investment will inevitably lead to the development of social spheres.

The article focuses on the development of the social sphere. The author reveals the essence of the concept of “social development”. As noted, “social development” is a change that contributes to the emergence of new social relations, institutions, norms and values in society. In this regard, features and criteria of social development are shown.



*The article outlines the main tasks for the further development of the social sphere in 2019, as defined in the Presidential Address. In particular, comments were given to initiatives and conceptual ideas for further improvement of science, modern and continuing education, further strengthening of state social support for young people, and the development of a national idea.*

*The article widely describes the concept of “investment in human capital” and the article notes that investments in human capital include expenditures on health care, general and special education, employment, vocational training, raising children and others. The effectiveness of such investments is reflected in the pace of development of society in all areas.*

*The article shows how the issues of modern education and upbringing of young people and their social support are important in the social development of the country. The article analyzes important practical steps taken to ensure that the sphere of education and training directly serves further human improvement.*

**Keywords and expressions:** social development, address, modern education, state youth policy, innovative thinking, commitment to the national idea, human capital investment, strong social protection.

**Кириш.** Истиклол йилларида Ўзбекистонда демократик ислохотлар ҳеч қачон ортга қайтмайдиган тенденцияга айланди. Мамлакатимизда суверен тараққиётнинг стратегик йўналиши сифатида ҳуқуқий демократик давлат ва адолатли жамиятни барпо этиш, унинг сиёсий, институционал, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий асосларини мустаҳкамлаш ва халқимиз учун энг муносиб бўлган эркин ва фаровон ҳаёт тарзини шакллантиришга устувор аҳамият берилмоқда.

Жамият ҳаётининг барча соҳаларида кенг кўламли ислохотлар амалга оширилаётган ҳозирги даврда мамлакатимизда демократик кадриятларни жамият ҳаётига ҳар томонлама чуқур сингдириш, унда фуқаролик кўникмаларини мустаҳкам қарор топтириш учун кенг имкониятлар очилмоқда, аҳолининг кенг қатламларида фаол фуқаролик позициясини шакллантириш, ижтимоий-сиёсий жараёнларга дахлдорлик ҳиссини кучайтириш каби масалаларнинг долзарблиги ортиб бормоқда.

2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси асосида юртимиз аҳолисининг ҳаётий эҳтиёж ва манфаатларини таъминлаш ҳамда фаровон ҳаёт асосларини мустаҳкамлаш учун муҳим бўлган навбатдаги стратегик заминлар вужудга келтирилмоқда.

Зеро, 2017 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. М. Мирзиёев Олий Мажлисга илк тарихий мурожаатномасида таъкидла-

нидек: “Халқимиз эртага эмас, узоқ келажакда эмас, айнан бугун ўз ҳаётида ижобий ўзгаришларни кўришни истайди. Бизнинг меҳнатқаш, оқкўнгил, бағрикенг халқимиз бунга тўла ҳақлидир”<sup>1</sup>.

Дарҳақиқат, юртимизда ҳар бир инсон ҳаётдан рози бўлиб яшашига эришиш – ҳозирда давлат сиёсатининг бош мақсадига айланмоқда. Айнан мамлакатимиз кўп миллатли халқимизнинг бунёдкорлик салоҳиятига таяниб, юртимиз ёшларининг ёруғ келажagini кўзлаб, юксак марралар сари одимлаб бормоқда.

Сўнгги икки йил давомида Ҳаракатлар стратегиясидан кўзда тутилган мақсад ва вазифаларни 2017 йил – “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”, 2018 йил – “Фаол тадбиркорлик, инновацион заоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили” давлат дастурлари доирасида босқичма-босқич рўёбга чиқариш учун давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятлари сафарбар этилди. Мамлакатимизда одамларни рози қилиш, уларнинг турмуш даражаси ва сифатини янада оширишни таъминлаш каби ижтимоий масалалар ҳар йили ишлаб чиқиляётган давлат дастурларида алоҳида ўрин тутмоқда<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning Oliy Majlisga Murojaatnomasi. [Address of the President of the Republic of Uzbekistan Shavkat Mirziyoyev to the Oliy Majlis]. (In Uzbek.) – T.: O‘zbekiston, 2018. – B. 10.

<sup>2</sup> O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “O‘zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo‘yicha Harakatlar



**Ижтимоий ривожланиш – давлат сиёсатининг устувор йўналиши.** Сўнгги йилларда мамлакатимизда тараққиёт суръатлари ҳамда иқтисодий салоҳиятининг ошиб бориши ўзидан ижтимоий соҳа ривожига бевосита таъсир кўрсатмоқда. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга 2018 йил 28 декабрдаги Мурожаатномасида 2019 йил – “*Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили*” деб эълон қилинди.

Таъкидлаш жоизки, ижтимоий ривожланиш демократик давлатлар ички сиёсатида марказий ўринга эга йўналишлар сирасига киради. Назарий жиҳатдан ижтимоий ривожланиш деганда, жамиятда янги ижтимоий муносабатлар, институтлар, меъёрлар ва кадриятлар юзага келишига олиб келувчи ўзгаришлар тушунилади.

Ижтимоий ривожланишнинг ўзига хос белгилари унинг қатъийлиги, йўналтирилганлиги ва ўз қонуниятларига эгалигидадир<sup>1</sup>.

Ижтимоий ривожланишнинг муҳим мезони аҳоли фаровонлиги даражаси ҳамда жамият ҳаётининг иқтисодий ва ижтимоий соҳаларини акс эттирувчи кўрсаткичлар ҳисобланади.

Ҳозирги даврда жамият ривожланиши ва унинг барқарорлиги, асосан, давлат томонидан амалга оширилаётган ижтимоий сиёсатга боғ-

лиқ бўлади. Фаол ислохотлар даврида иқтисодиётда бозор механизмларини такомиллаштириш билан боғлиқ кескин ўзгаришлар юз берадики, уларнинг таъсири ижтимоий соҳага жуда тез кириб боради.

Шу нуктаи назардан, аҳоли учун муносиб турмуш даражасини таъминлаш, аҳолига тақдим этилаётган неъматлар (товарлар, ишлар, хизматлар) миқдори ва сифатини ошириш давлат аҳамиятига молик масала ҳисобланади.

Маълумки, мамлакатимизни янада тараққий эттириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг тўртинчи йўналиши “Ижтимоий соҳани ривожлантириш” этиб белгиланган. Ўзбекистонда олиб борилаётган давлат сиёсатининг ғоят муҳим йўналиши бўлган ижтимоий соҳадаги ислохотлар қуйидагиларни назарда тутди:

- аҳоли бандлиги ва реал даромадларини ошириш;
- аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш;
- арзон уй-жойлар барпо этиш бўйича мақсадли дастурларни амалга ошириш, аҳолининг ҳаёт шароитлари яхшиланишини таъминловчи йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ва модернизация қилиш;
- таълим ва фан соҳасини ривожлантириш;
- ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш<sup>2</sup>.

Мурожаатномада давлатимиз раҳбари Ш.М.Мирзиёев Ўзбекистонни ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифалари тўғрисида тўхталар экан, мамлакатимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлиги, биринчи навбатда, ижтимоий соҳадаги ислохотлар самараси билан чамбарчас боғлиқ эканлигини таъкидлади.

strategiyasi to‘g‘risida”gi Farmoni [Decree of the President of the Republic of Uzbekistan “On the Strategy of Action on the Further Development of the Republic of Uzbekistan”]. (In Uzbek.) // “Xalq so‘zi” gazetasi. 2017 yil 8 fevral. №28 (6722); “O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “2017-2021 yillarda O‘zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo‘nalishi bo‘yicha Harakatlar strategiyasini «Faol tadbirkorlik, innovasion g‘oyalar va texnologiyalarni qo‘llab-quvvatlash yili»da amalga oshirishga oid davlat Dasturi to‘g‘risida”gi Farmoni. 2018 yil 22 yanvar. [“On the State Program for the Implementation of the Strategy of Actions on five priority directions of development of the Republic of Uzbekistan in 2017-2021 in the “Year of supporting active entrepreneurship, innovative ideas and technologies”] (In Uzbek.) // O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari ma‘lumotlari milliy bazasi – Lex.Uz. Available at: <http://lex.uz/docs/3516847> (accessed 17.01.2019)

<sup>1</sup> Qarang: Sotsialnoe razvitie. [Social development]. (In Russ.) Available at: <http://www.grandars.ru/college/sociologiya/socialnoe-razvitie.html> (accessed 17.01.2019)

<sup>2</sup> O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “O‘zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo‘yicha Harakatlar strategiyasi to‘g‘risida”gi Farmoni [Decree of the President of the Republic of Uzbekistan “On the Strategy of Action on the Further Development of the Republic of Uzbekistan”]. (In Uzbek.) // “Xalq so‘zi” gazetasi. 2017 yil 8 fevral. №28 (6722).



Шу муносабат билан, 2019 йилда ижтимоий соҳани янада ривожлантиришнинг куйидаги асосий вазифалари белгилаб берилди:

- аҳоли ўртасида ишсизликни камайтириш, одамлар ва оилаларнинг даромадини ошириш;
- пенсия ва нафақаларни тайинлаш ва тўлаш тартибини қайта кўриб чиқиш, пенсия тизимини тубдан ислоҳ қилиш;
- илм-фан, замонавий ва узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш;
- тиббий хизматлар сифатини яхшилаш ва кўламини кенгайтириш;
- хотин-қизлар ва ёшларни давлат томонидан ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш;
- аҳоли турмуш шароитини яхшилаш, уни муносиб турар жой билан таъминлаш, халқ фаровонлигини ошириш;
- жамиятда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, жисмоний тарбия ва спортни янада оммалаштириш;
- туризмни ривожлантириш, соҳага инвестициялар жалб этиш, кадрлар салоҳиятини ошириш;
- миллий ғояни ривожлантириш<sup>1</sup>.

**Таълим тизимини янада такомиллаштириш йўлида кўйилган амалий қадамлар.** Кенг қамровли ижтимоий ривожланиш соҳалари тизимида ёшларга замонавий таълим-тарбия бериш ва уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш масаласи нақадар ўткирлиги ва долзарблиги билан алоҳида аҳамиятга эга.

Зеро, тарихдан маълумки, ҳар бир даврда айнан маърифат жамият фаровонлигига ва мамлакат тараққиётига туртки берган.

Шу сабабли эндиликда доно халқимизнинг “Бешиқдан то қабргача илм изла” деган нақлини амалий ҳаёт фаолиятимизга кўчириш, мамлакатимизда таълимнинг узлуксизлиги принципини амалда рўёбга чиқариш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилмоқда.

<sup>1</sup> O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning Oliy Majlisga Murojaatnomasi. [Address of the President of the Republic of Uzbekistan Shavkat Mirziyoyev to the Oliy Majlis]. (In Uzbek.) // “Xalq so‘zi” gazetasi. 2018 yil 29 dekabr. №271-272 (7229-7230)

Сўнгги икки йилда таълим тизимини замонавий демократик давлатлар даражасига олиб чиқиш, ёшларнинг тараққиётнинг етакчи кучи сифатида жамиятимиздаги ўрнини янада ошириш бўйича кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Мамлакатимизда баркамол авлод тарбиясининг энг бошланғич бўғини бўлмиш мактабгача таълим тизимига кучли эътибор қаратилмоқда. 2017 йилда бу соҳа Халқ таълими вазирлиги тизимидан ажратилиб, алоҳида Мактабгача таълим вазирлиги ташкил этилгани шундан далолат беради<sup>2</sup>.

Бу борада давлат сиёсатининг асосий вазифаси этиб яқин йилларда юртимизнинг барча ҳудудларида янги боғчалар қуриш, таълим-тарбия сифати ва даражасини янги босқичга кўтариш, боғча ёшидаги болаларни таълим билан юз фоиз қамраб олиш белгиланмоқда.

Умумтаълим соҳасида янги таълим муассасаларини қуриш, мавжудларини таъмирлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Биргина 2017 йилда мамлакатимизда 12 та умумтаълим мактаби янгидан барпо этилди, 320 таси реконструкция қилинди, 152 та мактаб капитал таъмирланди.

Шунингдек, юртимизда 11 йиллик умумий ўрта таълим қайта тикланди. Муҳаммад Хоразмий ва Мирзо Улуғбек номларидаги аниқ фанлар чуқур ўқитиладиган инновацион мактаблар ташкил этилди.

Олий таълим тизимини янада такомиллаштириш ижтимоий соҳадаги ислохотларнинг муҳим йўналишига айланди. Хусусан, 2017–2021 йилларда олий таълим тизимини комплекс ривожлантириш дастури қабул қилинди. Олий таълим муассасаларига қабул

<sup>2</sup> O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “Maktabgacha ta’lim tizimi boshqaruvini tubdan takomillashtirish choratadbirlari to‘g‘risida”gi Farmoni. 2017 yil 30 sentabr [Decree of the President of the Republic of Uzbekistan "On measures for the fundamental improvement of the system of management of pre-school education"] (In Uzbek.) // O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari ma’lumotlari milliy bazasi – Lex.Uz. Available at: <http://lex.uz/> (accessed 17.01.2019)



қилишнинг шаффоф механизмлари жорий этилди ва квоталар жиддий равишда оширилди.

Олий таълим тизимида янги, замонавий таълим муассасалари, жумладан, нуфузли хорижий университетларнинг филиаллари ташкил этилмоқда. Янги ташкил этилган институт ва филиаллар ҳисобидан юртимиздаги олий таълим муассасалари сони 81 тага, ҳудудлардаги филиаллар 15 тага, хорижий университетлар филиаллари 7 тага етди. Олий таълим муассасаларида сиртки ва кечки бўлимлар очилди.

Давлатимиз раҳбари Ш. М. Мирзиёев таъкидлаганидек, “Буларнинг барчасидан биз ягона бир мақсадни кўзда тутмоқдамиз. Яъни, Ўзбекистон илм-фан, интеллектуал салоҳият соҳасида, замонавий кадрлар, юксак технологиялар борасида дунё миқёсида рақобатбардош бўлиши шарт”<sup>1</sup>.

**Инсон капиталига сармоялар – мамлакат рақобатбардошлигини ошириш воситаси сифатида.** Мурожаатномада инсон капиталига, яъни шахс камолотга етадиган асосий даврдаги таълим-тарбияга (3 ёшдан 22 ёшгача бўлган даврдаги таълимга) сармоя сарфлаш масаласига алоҳида урғу берилди.

Маълумки, инсон капитали назарияси асосчилари деб Т. Шульц ва Г. Беккер тан олинади. Уларнинг асарларида илк бор инсонга, унинг салоҳиятига, билим ва соғлиғига ажратилган маблағлар аслида харажатлар эмас, балки истиқболга йўналтирилган капитал жойлаштиришдир, деб эътироф этилади<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning Oliy Majlisga Murojaatnomasi. [Address of the President of the Republic of Uzbekistan Shavkat Mirziyoyev to the Oliy Majlis]. (In Uzbek.) – T.: O‘zbekiston, 2018. – B. 12.

<sup>2</sup> Qarang: Schultz T. Investment in Human Capital: The Role of Education and Research. – N.Y., 1971; Schultz T. Human Capital, family planning and their effects on population growth // American Economic Review, Papers and Proceedings. – 1994. – May; Becker G.S. Human Capital: A Theoretical and Empirical Analysis with Special Reference to Education, 2<sup>nd</sup> Ed. – N.Y., 1975; Becker G., Tomes N. Human Capital: rise and fall of families // Journal of Labor Economics. – 1986. – V.4. – No.1.

Иқтисодчи олимлар фикрича, инсон капитали – бу инсон эга бўлган билим, кўникма ва қобилиятлар йиғиндисигина эмас, балки у:

*биринчидан*, тўпланган билим, малака ва қобилиятлар захираси ҳисобланади;

*иккинчидан*, бу шундай захираки, у ёки бошқа бир муҳитда инсон томонидан ижтимоий қайта ишлашга сарфланади ва меҳнат унумдорлиги ҳамда ишлаб-чиқаришнинг ўсишига имкон беради;

*учинчидан*, тўпланган билим, кўникма ва қобилиятлар захирасининг мақсадга мувофиқ ишлатилиши фаолиятнинг юқори унумдорлигида ишчи даромадининг ўсишига олиб келади;

*тўртинчидан*, даромаднинг ошиши инсонни рағбатлантиради ва қизиқтиради ҳамда янги билим ва кўникмалар захирасини тўплаб, келажакда унумли қўллашга сабаб бўлади<sup>3</sup>.

Замонавий талқинда инсон капитали деганда, иқтисодий қийматга эга бўлган инсоннинг билимлари, кўникмалари, қобилият ва рағбатлари захираси тушунилади. Ушбу капитал нафақат инсонга, балки жамиятга ҳам истиқболдаги даромад ва фойдалар манбаи бўлиб хизмат қилади.

Дунё амалиётига қараганда, инсон капиталига ажратиладиган сармояларга, асосан, соғлиқни сақлаш, умумий ва махсус таълим олишга кетадиган харажатлар, иш билан таъминлаш, касбий тайёргарлик, болаларни вояга етказиш ва бошқалар билан боғлиқ сарф-харажатлар киради.

Бундай сармояларнинг иқтисодий самараси жамият учун миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлиги таъминланишида ва ялпи ички маҳсулотнинг ўсишида акс этади<sup>4</sup>.

Инсон капитали ўз ҳолича амалга оширилмайди, балки давлатга бир неча баробар

<sup>3</sup> Rustamova D.J. Inson kapitaliga sarflangan investisiyalar samaradorligini oshirish yo‘llari [Ways to increase the effectiveness of investing in human capital] (In Uzbek.) // Iqtisod va moliya / Ekonomika i finansi. - 2015. - №1. - B. 73-74.

<sup>4</sup> Investisii v chelovecheskiy kapital. [Human capital investment]. (In Russ.) Available at: www.dic.academic.ru (accessed 17.01.2019)



фойда билан қайтади. Масалан, АКШнинг Мичиган штатида ишлаб чиқилган мактабгача таълим дастурининг самарадорлиги шуни кўрсатганки, ҳар бир сарфланган доллар учун жамиятга 7 доллардан 12 долларгача қайтган<sup>1</sup>.

Ривожланган давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, айнан 22 ёшгача ҳар томонлама камол топган, юксак билим ва салоҳиятга эга бўлиб шаклланган ёшлар жамият тараққиётига қўшган ҳиссаси билан ушбу сармоияни жамиятга 15–17 баробар фойда билан қайтаради.

Мурожаатномада қайд этилганидек, Ўзбекистонда эса бу кўрсаткич атиги 4 баробарни ташкил этади.

Бинобарин, Президентимиз Ш. М. Мирзиёев таъкидлаганидек, “Биронта ўқувчи ёки талаба узрсиз ўқишга келмай қўйса, таълим маскани ҳам, оила ҳам, маҳалла, ҳокимият идоралари ҳам бу тўғрида бонг уриши, сергак тортиши, буни фавқулодда бир ҳол деб баҳолаши керак.

Ана шундай назорат тизими самарали ва ўзаро боғлиқликда ишлайдиган бўлса, албатта биз вазиятни қўлга олиб, уни ижобий томонга ўзгартира оламиз”<sup>2</sup>.

Президент Мурожаатномасида таълим-тарбия соҳасини бевосита инсон камолотига янада хизмат қилишини таъминлаш йўлидаги муҳим амалий қадам сифатида болаларни мактабгача таълим билан қамраб олиш даражасини 34 фоиздан 2019 йилда 44 фоизга етказиш, замонавий умумий ўрта таълим тизимини ташкил этиш, давлат-хусусий шериклик тамойиллари асосида хусусий мактаблар ва боғчалар ташкил этиш, олий таълим тизимида таҳсил олиш учун тенг имконият яратишга қаратилган ишларни янада кучайтиришга асосий эътибор қаратилмоқда.

<sup>1</sup> Chelovecheskiy kapital: kak ubedit pravitelstva investirovat v lyudey. 12.07.2018. [Human capital: how to convince governments to invest in people] (In Russ.) Available at: <https://kun.uz/ru/10990834> (accessed 12.07.2018.)

<sup>2</sup> Mirziyoyev Sh.M. Milliy taraqqiyot yo‘limizni qat’iyat bilan davom ettirib, yangi bosqichga ko‘taramiz. 1-jild. [Resolutely continuing the path of national development, we will take it to a new level.] (In Uzbek.) – Т.: О‘zbekiston, 2018. – В. 481.

Жумладан, сўнгги икки йилда олий ва ўрта махсус таълим муассасалари битирувчиларини олий таълим билан қамраб олиш даражаси 9–10 фоиздан 15 фоизгача оширишга эришилди (ривожланган давлатларда бу кўрсаткич 60–70 фоизни ташкил этади).

Шу муносабат билан, Президент Мурожаатномасида 2019 йилда мамлакатимизда битирувчиларни олий таълим билан қамраб олиш даражасини 20 фоизга етказиш ва келгуси йилларда ошириб бориш вазифаси қўйилди<sup>3</sup>.

Зотан, олий маълумотли, юксак малакага эга ёшлар сони ортиши жамият ривожланиш суръатларига сезиларли таъсир кўрсатади.

Шунингдек, давлатимиз раҳбарининг дастурий маърузасида олий таълим соҳасининг ривожланишига туртки берувчи қуйидаги принципал янги ғоя ва ташаббуслар илгари сурилди:

- олий ўқув юртлари ҳамда нодавлат таълим масканлари салоҳиятини ошириш орқали улар ўртасида юкори малакали кадрлар тайёрлаш бўйича рақобат муҳитини кучайтириш;
- ёшларга бир вақтнинг ўзида бир нечта олий ўқув юртига ҳужжат топшириш имкониятини бериш;
- олий таълим муассасаларига реал имкониятлардан келиб чиққан ҳолда, қабул квоталарини мустақил белгилаш тизимини жорий этиш;
- бакалавриат йўналишида таҳсил олаётган талабаларга хорижда ўқишни давом эттириш имкониятларини янада кенгайтириш.

**Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш механизмлари.** Мурожаатномада мамлакатимиз аҳолисининг ярмидан ортигини ташкил этадиган ёшлар билан ишлаш масаласи энг асосий вазифалар қаторида қайд этилди. Бу бежиз эмас.

Таъкидлаш жоизки, тараққиёт ғояси ва истиқболларини белгилаб олмаган, маънавий

<sup>3</sup> O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning Oliy Majlisga Murojaatnomasi. [Address of the President of the Republic of Uzbekistan Shavkat Mirziyoyev to the Oliy Majlis]. (In Uzbek.) // “Xalq so‘zi” gazetasi. 2018 yil 29 dekabr. №271-272 (7229-7230)





асослардан маҳрум бўлган, асосийси, ўзининг ёш фуқаролари кўнгилига йўл топа олмаган давлат ва жамият фаровон истиқболни тасаввур қилиши қийин. Давлатнинг ёшларга бўлган муносабати жамият тараққиёти даражаси, унинг очиклиги, олдинга интилаётганлигининг кўрсаткичларидан биридир.

Шунинг учун, давлатнинг жамиятни бирлаштириш ва фуқаролик ташаббусларини қўллаб-қувватлашга қаратилган сиёсатида ёшлар масаласи алоҳида аҳамият касб этади. Айнан ёшлар ислохотлар чуқурлашаётган даврда турли тўсиқларни енгиб ўтишга қодир, мамлакатнинг юксалиш сари одимларига куч бағишлай оладиган аҳоли қатламидир.

Айнан ёшлар фуқаролик жамиятининг энг фаол қисмидир. Масалан, ёшлар турли соҳаларда инновацион лойиҳалар ва технологияларни жорий қилишга кўпроқ мослашган бўлади, улар жамиятга янги ғоялар ва билимларни ташийди ҳамда уларда ўз ҳаётини қуришга интилиш кучли бўлади<sup>1</sup>.

Шу жиҳатдан қараганда, Ўзбекистон ёшлари бугунги ва эртанги кун эгалари сифатида мамлакатимизда фаровон ҳаёт асосларини барпо этишда бош стратегик ресурс ҳисобланади. Мамлакатимизнинг демократик янгиланишлар йўлидан одимлаши ва тараққиёт суръатлари кўп жиҳатдан ёшларнинг жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ҳолати ва фаоллигига боғлиқ бўлади.

Миллий ўзликни сақлаган, дунёдаги тенгдошлари орасида ўз билими ва салоҳияти билан эркин беллаша оладиган, мустақил фикри, онгли фуқаролик позициясига эга авлодни тарбиялаш Ўзбекистон учун нақадар долзарб эканлиги қуйидаги омилларда кўринади:

*Биринчидан*, Ўзбекистон улкан ёшлар потенциалига эга мамлакатдир;

*Иккинчидан*, ёшлар миллий кадриятларни келгуси авлодларга етказувчи, ворисийлик анъанасини давом эттирадиган қатламдир;

<sup>1</sup> Kozina Ye.S. Razvitie innovatsionnogo potentsiala v ramkax molodejnoj politiki. Sbornik statey. [Development of innovative capacity in the framework of youth policy]. (In Russ.) - M.: Direkt-Media, 2013. – S. 29.

*Учинчидан*, ёшлар мамлакатимизда олиб борилаётган демократик ислохотларнинг давомийлигини таъминлайдиган кучдир;

*Тўртинчидан*, ёшлар табиатан тақлидга, эргашишга мойил, онги тўлиқ шаклланиб улгурмаган ўзига хос демографик гуруҳдир.

Тез ўзгараётган ҳозирги дунё ёшлар тарбиясига салбий таъсир этувчи кескинлик ва таҳликали шароитларни тобора кўпроқ ҳосил қилмоқда. Бу эса давлат ва жамиятдан ёшлар тарбиясига янгича ёндашувни тақозо қилмоқда.

Президентимиз Ш. М. Мирзиёев таъкидлаганидек, "...ёшларимиз билан кўпроқ гаплашиш, уларнинг қалбига қулоқ солиш, дардини билиш, муаммоларини ечиш учун амалий кўмак беришимиз керак. Бу борада уюлмаган ёшлар билан ишлашга алоҳида эътибор қаратишимиз зарур"<sup>2</sup>.

2016 йил 14 сентябрда қабул қилинган "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ушбу соҳанинг асосий йўналишлари бўлган ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий ва ташкилий чоратadbирларни аниқ белгилаб беради.

Қонунда белгилаб берилишича, Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсати "ёшларни ижтимоий жиҳатдан шакллантириш ва уларнинг интеллектуал, ижодий ва бошқа йўналишдаги салоҳиятини камол топтириш учун шарт-шароитлар яратишни" назарда тутади<sup>3</sup>.

Бу жараёнларда мамлакатимиз ёшларини бунёдкор ғоялар атрофида бирлаштирган Ўзбекистон ёшлар иттифоқи муҳим ўринга эга бўлмоқда.

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи жисмонан соғлом, маънан етук ва интеллектуал ривожланган, мустақил фикрлайдиган ёш авлодни

<sup>2</sup> Mirziyoyev Sh.M. Qonun ustuvorligi va inson manfaatlarini ta'minlash – yurt taraqqiyoti va xalq farovonligining garovi. [Rule of law and ensuring the interests of the people - the basis of the development of the country and the welfare of the people]. (In Uzbek.) – T.: O'zbekiston, 2017. – B. 23.

<sup>3</sup> "Yoshlarga oid davlat siyosati to'g'risida"gi O'zbekiston Respublikasining Qonuni. 2016 yil 14 sentabr. [The Law of the Republic of Uzbekistan "On State Youth Policy"] (In Uzbek.) // O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari ma'lumotlari milliy bazasi – Lex.Uz. Available at: <http://lex.uz/> (accessed 17.01.2019)



шакллантириш, ёшларни ташқи таҳдидлар ва “оммавий маданият”нинг зарарли таъсиридан муҳофаза қилиш, ёшларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга ҳар томонлама кўмаклашиш ва шарт-шароитларни яратиш мақсадида жисмоний шахслар томонидан иттифоқ ташкилий-ҳуқуқий шаклида тузилган, Ўзбекистон ёшларини бирлаштирувчи нодавлат ноtijорат ташкилотидир<sup>1</sup>.

Иттифоқнинг асосий мақсади ёшларни мамлакатда амалга ошириладиган демократик, сиёсий ва иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, жамиятда тинчлик ва ҳамжихатликни мустаҳкамлаш, Ўзбекистонни жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари қаторига кириши жараёнларига жалб қилиш ҳамда ёш авлоднинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилишни таъминлаш, йигит-қизларнинг маънавий ва касбий савиясини юксалтириш, уларнинг интеллектуал ва ижодий салоҳиятини рўёбга чиқаришга кўмаклашишдан иборат.

2017 йилдан буён Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ташкил этилган кун – 30 июнь санаси мамлакатимизда “Ёшлар куни” сифатида кенг нишонланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июндаги фармони билан тасдиқланган “Ёшлар – келажакимиз” давлат дастури мамлакатимиз ёшларининг бор салоҳиятини рўёбга чиқариш, жамиятимизга самарали ижтимоийлашувини таъминлаш йўлидаги навбатдаги қадам бўлди.

Давлат дастури ёшларнинг бизнес ташаббуслари, стартаплари, ғоялари ва лойиҳаларини рўёбга чиқаришга кўмаклашиш ва кўллаб-қувватлаш, банд бўлмаган ёшларни меҳнат бозорида талаб юқори бўлган мутахассисликлар ва бизнес юритиш кўникмаларига ўқитиш, шунингдек, умуман ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий фаоллигини ошириш орқали уларнинг бандлигини таъминлашга қаратилган<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> O‘zbekiston yoshlar ittifoqi. [Union of Youth of Uzbekistan] (In Uzbek.) Available at: <http://yoshlarittifoqi.uz/uz/menu/maqsad-va-vazifalar> (accessed 12.01.2019)

<sup>2</sup> O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “Yoshlar – kelajagimiz” Davlat dasturi to‘g‘risida”gi Farmoni. 2018 yil 27 iyun [The decree of the President of the Republic of

Давлат дастуридаги тадбирларни молиялаштириш учун Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ҳузурида “Ёшлар – келажакимиз” жамғармаси ташкил этилди. Жамғарма маблағларидан қуйидагиларни амалга ошириш учун фойдаланилади:

- ёшларнинг бизнес ташаббуслари, стартаплари, ғоялари ва лойиҳаларини амалга ошириш учун тижорат банклари орқали йиллик 7 фоиз ставка билан имтиёзли кредит ва мол-мулкни лизингга бериш;
- Давлат дастури доирасида олинadиган кредитлар бўйича кредит ҳажмининг 50 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда кафиликлар бериш;
- Давлат дастури доирасида амалга ошириладиган тадбиркорлик лойиҳаларида улар қийматининг 50 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда иштирок этиш, кейинчалик Жамғарма улушини 5 йил давомида реализация қилиш;
- тегишли кўникмаларга эга банд бўлмаган ёшлар яшайдиган уй хўжаликлари учун 20 тагача парранда ва қуён боласи, 5 та майда ва 2 та йирик қорамол сотиб олиш, уларнинг қийматини келишилган муддатларда қайтарган ҳолда уларни боқиш ва кейинчалик реализация қилишда кўмаклашиш;
- ёшларнинг қайта тайёрланиши ва малака оширишини ташкил этиш, меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касбларга ўқитиш, шунингдек, уларга бизнес юритиш кўникмаларини сингдириш.

Давлат дастури доирасида 2018 йил 1 июлдан ҳудудларда давлат-хусусий шериклик шартларида “Ёш тадбиркорлар” коворкинг-марказлари, “Ёшлар меҳнат гузари” комплекслари\* қурилиши бошланди.

Uzbekistan “On the state program “Yoshlar – kelajagimiz”] (In Uzbek.) // O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari ma’lumotlari milliy bazasi – Lex.Uz. Available at: <http://lex.uz/> (accessed 17.01.2019)

\* “Yoshlar mehnat guzari” majmuasi – savdo-maishiy va kichik ishlab chiqarish maydonlarini tashkil etish uchun mehnat kuchi haddan ziyod bo‘lgan tumanlarda barpo etilgan binolar majmuasi. “Yosh tadbirkorlar” kovorking markazi – yosh tadbirkorlarga imtiyozli shartlarda binolar,



Президент Мурожаатномасида “Ёшлар – келажагимиз” жамғармаси фаолиятини янада кенгайтириш мақсадида 2019 йилда жамғарма учун 2 триллион сўмдан зиёд маблағ ажратилиши ва шу орқали 50 мингдан ортиқ янги иш ўрни яратилиши вазифаси кўйилди<sup>1</sup>.

Глобаллашув шароитида жамиятимиз таракқиётида нисбатан янги имкониятлар билан бир қаторда ноанъанавий таҳдидлар юзага келмоқдаки, ҳозирги даврда миллий маънавият, миллий ғоя тарғиботини замонамиз талаблари даражасида янада такомиллаштиришга кучли эҳтиёж сезилмоқда.

Бу жараёнда ёшлар масаласи мамлакатимизда бугун ва келajak боғлиқлигини таъминловчи, миллий ўзига хосликни сақлаб қолувчи муҳим омил сифатида намоён бўлмоқда.

Президентимиз томонидан давлат-хусусий шериклик асосида янги маданият ва истироҳат боғларини ташкил этиш, уларни ёш авлод орасида соғлом турмуш тарғиботига ҳамда китобхонлик маданиятини юксалтиришга хизмат қиладиган замонавий ёшлар масканларига айлантириш таклифи илгари сурилди.

Юртимизда миллий ғоясиз, миллий ўзликни англамасдан туриб, ватанпарварликсиз ҳеч қандай ислохотларни амалга ошириш мумкин эмаслиги таъкидланди<sup>2</sup>.

Давлатимиз раҳбари ёшлар онгига буюк аллома ва адибларимизнинг бебаҳо мероси, енгилмас саркарда ва арбобларимизнинг жа-

соратини сингдириш, уларда миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини кучайтириш масаласига алоҳида эътибор қаратиб, “Ўзбекистон тарихи” телеканалини ташкил этиш ташаббуси билан чиқди.

Зеро, тарихий хотирасиз келажакни тасаввур этиш мушкулдир. Холисона тарих асосига қурилган миллий ғоя мамлакатимизда кенг қамровли ислохотлар учун чексиз куч-қудрат манбаи бўлиб хизмат қилади.

**Хулоса.** Умуман олганда, демократик таракқиётнинг энг муҳим ва долзарб масалалари бўйича давлат раҳбарининг миллий парламентга оммавий мурожаати жорий йилнинг асосий якунларига ҳамда келгуси йилда ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг устувор вазифаларига бағишланади. Президентимизнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида кўтарилган масалалар, илгари сурилган таклиф ва ташаббуслар Ўзбекистоннинг эртасини белгилаб берувчи ғоялардан иборат бўлди.

2018 йилдаги Мурожаатноманинг асосий ғояси мамлакатимизда изчил иқтисодий ислохотлар ижтимоий ривожланишининг таркибий қисми сифатида қаралаётганлигидадир.

Бу эса ҳозирда интеллектуал жиҳатдан етук ва ижодий салоҳиятли ҳамда замонавий билим ва кўникмаларга эга бўлган, мамлакатимизнинг муносиб келажаги учун жавобгарликни ўз зиммасига ола биладиган ёшларни тарбия қилиш механизмларини янада такомиллаштирилишини назарда тутади.

Мамлакатимизда ёшлар ўз салоҳият ва интилишларини рўёбга чиқаришлари учун яратилаётган барча шарт-шароитлар келгусида уларни баркамол қилиб тарбиялаш, рақобатбардош кадрлар сифатида шаклланиши, ўз инновацион ғоялар ва ташаббуслари орқали юрт равнақи ва Ватан тинчлигига ўз хиссасини қўшишига хизмат қилади.



ofis texnikasi va sarflash materiallarini ijaraga berish, ularni internet bilan ta'minlash, shuningdek, yoshlarning biznes tashabbuslari, startaplari, g'oyalari va loyihalarini amalga oshirishga boshqacha ko'mak berish, jumladan, biznes rejalar ishlab chiqish, maslahat, yuridik, buxgalteriya va boshqa xizmat turlarini ko'rsatish, forumlar, master-klasslar va seminarlar tashkil etish uchun ixtisoslashgan markaz.

<sup>1</sup> O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning Oliy Majlisga Murojaatnomasi. [Address of the President of the Republic of Uzbekistan Shavkat Mirziyoyev to the Oliy Majlis]. (In Uzbek.) // “Xalq so'zi” gazetasi. 2018 yil 29 dekabr. №271-272 (7229-7230)

<sup>2</sup> Murojaatnoma: mamlakat rivojidagi istiqbolli vazifalar. 29.12.2018. [Address: perspective tasks in the development of the country] (In Uzbek.) Available at: <http://uza.uz/oz/politics/murozhaatnoma-mamlakat-rivozhidagi-isti-bolli-vazifalar-29-12-2018> (accessed 29.12.2018)